

## АМИР ТЕМУР ВА ДИПЛОМАТИЯ

Амир Темури жаҳон тарихида қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этган буюк саркарда ва давлат арбоби сифатидагина мавқе тутмайди. Соҳибқирон ўз пойтахти бўлмиш Самарқандни ер юзининг маданий-меъморий ва илмий-маънавий марказларидан бирига айлантирган.

Шунинг учун Амир Темурининг ибратли ҳаёти ва давлатдорлик иқтидори ва фаолияти, салтанати тарихи, ундаги илм-фан ва маданиятни ўрганиш тарихшуносликнинг йирик илмий йўналишларидан бири сифатида доимо жаҳон олимлари, давлат раҳбарлари, сиёсатчилар диққат-эътиборида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Шунингдек, Темурийлар тарихига оид манбалар жаҳон миқёсида турли тилларга таржима қилинган ҳамда илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Дунё тарихшунослигида Амир Темури даврини ўрганишга оид нашрлар кун сайин ортиб бормоқда. Пировардида, жаҳон жамиятшунослигида **“Темуришунослик” мустақил илмий йўналиши шаклланди.**

Бугун Амир Темури ва Темурийлар сулоласининг дунё цивилизацияси ривожига, инсониятнинг илмий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ғоявий, маданий ва тафаккур даражасининг кескин кўтарилишига қўшган ҳиссаси беқиёслиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Темурийлар Уйғониш даврини бутун дунё тан олганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Француз олими **Венсан Фурниё “Темурийлар даври Ренессанси”** иборасини биринчи бўлиб қўллаганининг ўзи ҳам шундан далолатдир.

Жаҳон ҳамжамияти Темурийлар даврини илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт тараққиёти ҳамда улуғ кашфиёт ва ихтироларда ўз аксини топган давр, халқимизни эса – шу пайтгача икки маротаба Ренессансга асос солган халқ сифатида эътироф этади. Яъни, халқимиз ҳақли равишда том маънода кам сонли **“Ренессанс ярата олган халқлар”** сирасига киргани таҳсинга лойиқдир.

Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатда кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, илм-фан ва таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар орқали Янги Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлари кутилган натижалар беришига тўла асос бор деб баҳоланмоқда.

Миллат Сардорининг халқимиз олдидаги энг буюк хизматларидан бири ҳам айнан ўз юртига эгаликдан мосуво бўлган, фаровон ва яхши яшашдан умидини узган, келажакка ишонмай қўйган халқимизнинг қадди-қоматини ва синдирилган миллий ғурури тикланиши, Янги Ўзбекистонга хос онги шаклланиши, сўнган руҳи кўтарилиши, маънавий-маърифий кадриятлар ва тарихий шахсларга бўлган ҳурмат-эътибор қайтарилиши, деб қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг янги босқичида давлат ва жамиятнинг ҳар бир соҳасида тубдан янгиланиш ва юксалишлар билан бир қаторда миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий-ижтимоий ҳаётини барқарор изга тушириш ва

ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, тарихшуносликда ҳам аجدодларимиз тарихини ўрганиш, уларга тўғри ва холис илмий баҳо бериш, шу асосда миллий кадриятларимизни тиклаш учун кенг йўл очилди. Зеро, Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек: **“Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган улуғ тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аجدодларимиз бор”**.

### **Амир Темури: «Салом ва тинчлик эълон қиламан!»**

Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида ўзбек дипломатиясининг қадимги замонлардан бошлаб бугунги кунгача – мустақил Ўзбекистон дипломатияси шаклланиши ва тараққий этишигача бўлган даври атрофлича ва тизимли равишда ўрганилаётгани жуда муҳим. Хусусан, 2022 йилда чоп этилган **“Ўзбекистон дипломатияси тарихи”** китоби **“Ўзбекистон тарихи”** кўпжилдлигининг VII жилди ҳисобланади. Китоб Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил январда Ўзбекистон дипломатлари билан учрашувда айтилган таклифларига амалий жавобдир.

Ўзбекистон дипломатияси тарихи ҳақида китоб чоп этилгани – катта сиёсий воқеа. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“бизнинг миллий давлатчилигимиз неча минг йиллик қадимий тарих ва бой маданиятга эга. Бинобарин, дипломатик муносабатлар ҳам тарихимизнинг энг чуқур қатламларига бориб тақалади. Бу ҳақиқат нафақат мамлакатимиз, балки дунё олимлари томонидан кенг эътироф этилган”**.

Буюк аждодимиз Соҳибқирон Амир Темурининг энг ёрқин фазилатларидан бири шуки, у зот бундан олти аср аввал давлатлараро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, узоқ ва яқин халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаш ўз салтанати истиқболини таъминлашнинг муҳим омили эканини теран англаган. Шу боис, Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан – Хитой, Ҳиндистон, иккинчи томондан – Франция, Испания, Англия ва бошқа давлатлар билан алоқа ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга интиланган.

Мамлакатимиз олимлари ва хорижлик мутахассислар томонидан илмий асосда эътироф этилганидек, Амир Темури тарихда ўз даврининг энг моҳир дипломати сифатида ҳам чуқур из қолдирган. Соҳибқирон буюк давлат арбоби сифатида ўз мақсадларига эришишда дипломатиянинг тинч йўли ва ҳарбий тадбирларни моҳирона қўшиб олиб борган.

Амир Темури барпо этган буюк салтанат ўша даврдан бошлаб нафақат қўшни мамлакатлар ва уларнинг подшоларини, балки узоқ юртлар ҳукмдорларини ҳам ўзига жалб этиб келган. Тарихий ҳужжатлар далолат беришича, XIV асрнинг 70-йиллариданоқ Европа давлатлари вакиллари Мовароуннаҳрга келиб, бу ердаги янги, мустақил давлатнинг қудрати ва салоҳияти билан жиддий қизиққанлар.

Соҳибқирон ҳам, ўз навбатида, айниқса, қудратли салтанат шакллангач, ўша даврнинг деярли барча йирик давлатлари ва уларнинг ҳукмдорлари билан фаол дипломатик алоқа ўрнатган. Турли давлатларга ўз Элчиларини юборган, шунингдек, унинг ҳузурига йўлланган хориж Элчиларини қабул қилган.

Амир Темур Кастилия ва Леон қироли Дон Энрике III (айрим манбаларда – Испания қироли Генрих III), Франция ҳукмдори Шарл VI (айрим манбаларда – Карл VI), Англия қироли Генрих IV саройига Элчилар юборгани, ўз навбатида, испаниялик, франциялик, англиялик, хитойлик ва бошқа бир қатор – жами 20 дан ортиқ хорижий давлат Элчиларини ўз пойтахти Самарқандда қабул қилгани ҳақида атрофлича баён этилган кўплаб тарихий ва илмий асарлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Тарихий манбаларда ёзилишича, 1402 йил 28 июлда Амир Темур ҳузурида ҳозир бўлган Кастилия ва Леон Қироли Дон Энрике III Элчилари сафида – **Пайо де Сото Майор** ва **Эрнан Санчес де Паласуэло** ҳам бор бўлган. Элчиларнинг қайтиш пайти келганида Соҳибқирон икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида улар билан бирга қобилиятли беклардан **Муҳаммад Кеший**ни ҳам мактуб ва совғалар билан Кастилияга Элчи қилиб жўнатади. Муҳаммад Кеший у ерга эсон-омон етиб бориб, мактуб ва совғаларни Дон Энрике III га топширади.

Маълумки, Амир Темур Насаф ва Кеш олимлари, диний ва дунёвий илмлардан хабардор, хорижий тилларни биладиган қобилиятли шахсларни ўз саройига ишга жалб этган. Улар турли лавозимлар қатори Элчилик вазифасини ҳам адо этишган. Масалан, Муҳаммад Кеший Соҳибқироннинг Элчиси сифатида маълум муддат Испанияда яшаб келган бўлса, Мавлоно Абдуллоҳ Кеший Амир Темур томонидан Миср султони Фаражга Элчи қилиб юборилади.

Амир Темур одатда Европа мамлакатларига масиҳийлик дини пешволарини Элчи қилиб юборган. Мусулмон дипломатлардан фақат Муҳаммад Кешийгина Европага боришга муяссар бўлган. Бу ҳам унинг қобилиятидан, бир неча тилларни, эҳтимол, Европа тилларидан бирини билганлигидан далолат беради.

Ўша даврда Амир Темурнинг шуҳрати бутун Европага тарқалган эди. Шу сабабли Муҳаммад Кеший Кастилия Қироли Дон Энрике III ҳузурида катта ҳурмат-эътибор билан кутиб олинади. У Қирол саройидаги ва йирик зодагонлар қасридаги қабулларда иштирок этади. Қирол унга Руи Гонсалес де Клавихо бошчилигидаги ўз Элчиларини кўшиб, ҳурмат-эҳтиром билан Самарқандга кузатиб кўяди.

Амир Темур дипломатиясининг ўзига хос томонларидан бири – у ўзининг барча мурожаатларида, ҳатто қатъий талаб шаклида ёзилган номаларида ҳам Шарқ дипломатияси этикетларига риоя қилган. Айрим юртлар ҳукмдорларининг кўпол шаклда, баъзи ҳолларда жаҳл ва жаҳолат билан ёзилган номаларига ҳам Соҳибқирон ҳамма вақт ўз фикрини аниқ баён қилган ҳолда маданият ва одоб билан жавоб қилганини ўша даврлардан

мерос бўлиб қолган тарихий хатлар орқали билиб олиш қийин эмас. Амир Темурнинг Франция қироли Шарл VI га йўллаган мактубида «**Салом ва тинчлик эълон қиламан!**», деган сўзлар битилгани буни яққол тасдиқлайди.

### **Амир Темурнинг дипломатик ёзишмалари**

Амир Темур ва Темурийларнинг моҳирона дипломатик фаолиятига ўша даврдан ҳозиргача сақланиб қолган ёзишмалар яққол гувоҳлик беради. Ҳозирги кунда Франциянинг миллий архивида 4 та хат сақланмоқда:

**биринчиси**, Амир Темурнинг Франция қироли Шарль IV га форс тилида ёзган хатининг асл нусхаси;

**иккинчиси**, шу хатнинг архиепископ Иоаннинг ўзи ёки унинг бирон замондоши лотин тилига таржима қилган нусхаси;

**учинчиси**, Франция қироли Шарль IV нинг Амир Темурга лотин тилида ёзган хатининг нусхаси;

**тўртинчиси**, Мироншоҳ Мирзонинг Европанинг уч қиролига йўллаган хатининг лотин тилига таржима қилинган нусхаси. Унинг асл нусхасини Иоанн ўзида сақлаган ва кейинчалик Англия қиролига кўрсатган.

Амир Темур ва Европа ўртасидаги муносабатларнинг собиқ иттифок даврида ўрганилиши ҳақида сўз борганда, **И.Умняковнинг «XV аср бошларида Ўрта Осиёнинг халқаро муносабатлари. Амир Темурнинг Византия ва Франция билан алоқалари»** мавзусидаги мақоласи ва бошқа асарлари анча мазмунли эканини қайд этиш ўринлидир.

Амир Темур Ғарбий Европанинг олис давлатлари, хусусан, Валуа династияси намояндаси – Франция қироли Шарль VI (1380—1422-йиллар) ва Англия қироли Генрих IV (1399—1413-йиллар) билан ҳам дипломатик ёзишмалар олиб борган. Амир Темур ва Шарль VI ўртасидаги 1402—1403-йиллар ёзишмаларига доир дастлабки мухтасар маълумотни XIX аср бошларида яшаб ўтган француз тарихчиси **Флоссан** 1811 йили нашрдан чиққан тадқиқотида келтирган.

Амир Темурнинг Шарль VI га мактуби форсий тилда, Шарқ хукмдорларининг услубига ўхшамайдиган, ноодатий усулда ёзилган. Мактубда «ваъзхон руҳоний Франциск» Франция қиролидан Амир Темурга мактублар олиб келгани ҳақида сўз боради.

Билишимизча, Амир Темур билан Шарль VI ўртасида Кастилия қироли Генрих III ўртасида бўлгани каби расмий Элчилар алмашуви бўлмаган. Айни чоғда, мактуб матнидан шундай мазмун келиб чиқадики, Амир Темур илгари ҳам Франциядан мактублар олиб турган. Лекин бу хатлар бизгача етиб келмаган.

Мазкур мактубнинг асл нусха эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Буни хатнинг икки жойига Амир Темурнинг мўъжаз муҳри босилгани ҳам яққол тасдиқлайди. Хатдаги муҳрнинг ҳақиқатан ҳам Соҳибқиронга тегишли экани аксарият тарихчилар, шу жумладан, Элчи Клавихо ва муаррих ибн Арабшоҳ томонидан исботланган.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, *Клавихо* – Амир Темурни кўриб, у билан бевосита суҳбатлари асосида хотиралар ёзган санокли, яъни тўрт кишидан бири. Бу ҳолат **Ибн Арабшоҳ, Ибн Халдун, архиепископ Иоанн** яратган хотиралар каби испан Элчиси кундаликларининг ҳам ҳаққонийлигини янада оширади. Бинобарин, ҳаққонийлик – ҳақиқат ва адолатга элтувчи йўлдир.

Париждаги Миллий кутубхонада Амир Темурнинг Шарль VI га юборган иккинчи мактуби сақланмоқда. Бу хатнинг лотинча таржимаси бизгача етиб келган бўлиб, илк бор **Сильвестр де Саси** томонидан чоп этилган.

Шу билан бирга, Шарль VI томонидан Амир Темурга юборилган мактубнинг лотинча таржимаси ҳам мавжуд. Бу Франция қиролининг Соҳибқиронга йўллаган хатлари орасидан бугунги кунгача сақланиб келаётган ягона мактуб сифатида алоҳида қимматга эга бўлган ноёб ҳужжатдир. Амир Темурнинг ҳар иккала мактубига 1402 йил 1 август санаси қўйилган бўлса, Шарль VI мактубига 1403 йил 15 июнь санаси битилган.

Амир Темур ҳазратларининг ташқи сиёсати, дипломатик ёзишмалари дунё олимлари, шу жумладан, мамлакатимиз мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилган ва ўрганилмоқда. Бундан бир муддат олдин Франциянинг таниқли шарқшунос, бобуршунос олими **Жан-Луи Бакэ-Граммон** билан Парижда учрашганимизда, у менга руминиялик тарихчи ва туркшунос олим **Мария-Матильда Александреску-Дерска** хоним қаламига мансуб «**Амир Темурнинг Анатолияга юриши (1402)**» номли китобининг 1942 йилда нашр этилган нодир нусхасини тақдим этганди.

Амир Темур мактублари бундан қарийб етти аср аввал ёзилганига қарамай, улардаги айрим жиҳатлар худди бугунги кунимизнинг ўта муҳим даъвати каби жаранглаб турибди: дунё тожирлар билан ободлиги, салтанатнинг улуғворлиги аввало ўзга салтанатлар улуғворлигини эътироф этиш, расмий ва ғайрирасмий тафовутларга қарамай, фуқароларнинг иззат-икромини бажо келтириш, инсоний ҳуқуқ ва эркинликларга қатъий амал қилиш билан белгиланиши англаб етилмоқда.

Бундан ташқари, Темурийларнинг дипломатик ёзишмаларига ашёвий далил тариқасида Амир Темур ва унинг учинчи ўғли — Ғарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжон ҳокими Мироншоҳ Мирзо билан Франция, Англия, Кастилия ва бошқа мамлакатлар қироллари ўртасидаги мактубларни кўрсатиш мумкин. Ушбу мактублардан айримлари Франция миллий архивида, Британия музейида ва Испания архивларида сақланмоқда.

Амир Темур ва Темурийларнинг дипломатик ёзишмалари, **биринчидан**, Европа ўзидан анча аввал уйғонган Шарққа ҳамиша қўл чўзиб келганини, **иккинчидан**, Шарқ ҳам бу ўлкалар билан алоқа боғлашга, ҳамкорлик қилишга, савдо-сотик ишларини йўлга қўйишга, эътиқодий тафовутларга қарамасдан тужжорларни иззатлашга, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишга ҳаракат қилганини яққол кўрсатиб турибди.

**Акмал САИДОВ,**



## AMIR TEMUR AND DIPLOMACY

Amir Temur occupies a place in world history not only as a great commander and statesman who built a powerful and prosperous state. The great ruler turned his capital, Samarkand, into one of the cultural, architectural, scientific and spiritual centers of the world.

Therefore, the study of Amir Temur's exemplary life and statecraft, the history of his reign, the study of science and culture in it, as one of the major scientific directions of historiography, has always been and remains the focus of attention of world scientists, heads of state, and politicians. Also, sources on the history of the Timurids have been translated into various languages and scientific research has been carried out worldwide.

The number of publications on the study of the era of Amir Temur is increasing day by day in world historiography. Ultimately, an independent scientific direction of "Temur studies" has been formed in world social science.

Today, no one doubts the immeasurable contribution of Amir Temur and the Timurid dynasty to the development of world civilization, to the sharp rise in the scientific, political-legal, spiritual-ideal, cultural and intellectual level of humanity. It should be noted that the Timurid Renaissance was recognized by the whole world. The fact that the French scientist Vincent Fournier was the first to use the phrase "Temurid Renaissance" is evidence of this.

The world community recognizes the Timurid era as an era that was reflected in the development of science, culture, art and literature, as well as great discoveries and inventions, and our people as a people who have founded the Renaissance twice so far. That is, it is commendable that our people rightfully belong to the small number of "peoples who were able to create a Renaissance" in the full sense of the word.

In this sense, it is considered that there is every reason to believe that the efforts of President Shavkat Mirziyoyev to create a new Renaissance in New Uzbekistan, that is, the foundation of the Third Renaissance, through large-scale democratic changes in our country, including reforms in the fields of science and education, will yield the expected results.

One of the greatest services of the Leader of the Nation to our people is the restoration of the dignity and broken national pride of our people, who have lost hope in their own country, who have lost hope in a prosperous and good life, and who have lost faith in the future, the formation of a consciousness specific to New Uzbekistan, the subsequent elevation of their spirits, and the return of respect for spiritual and educational values and historical figures.

At a new stage of the development of the Republic of Uzbekistan, along with radical renewal and improvement in every sphere of the state and society, comprehensive measures are being implemented to strengthen national statehood, establish a stable track and develop the political, legal, economic and social life of our country.

In particular, in historiography, a wide path has been opened for studying the

history of our ancestors, giving them a correct and objective scientific assessment, and on this basis restoring our national values. Because, as the President of Uzbekistan emphasized: “We have a great history that is worth admiring. We have great ancestors that are worth admiring.”

### **Amir Temur: "I declare peace and tranquility!"**

At the current stage of the development of new Uzbekistan, it is very important that the period of Uzbek diplomacy from ancient times to the present day - the formation and development of independent Uzbek diplomacy - is comprehensively and systematically studied. In particular, the book "History of Uzbek diplomacy", published in 2022, is the VII volume of the "History of Uzbekistan" multi-volume work. The book is a practical response to the proposals made by President Shavkat Mirziyoyev at a meeting with Uzbek diplomats in January 2018.

The publication of a book on the history of Uzbek diplomacy is a major political event. As the head of our state noted, "our national statehood has a history of several thousand years and a rich culture. Therefore, diplomatic relations also go back to the deepest layers of our history. This fact is widely recognized not only by our country, but also by scientists from around the world."

One of the most striking qualities of our great ancestor, Sahibkiran Amir Temur, is that six centuries ago he deeply understood that the development of mutually beneficial cooperation between states, the strengthening of friendship and solidarity between distant and close peoples was an important factor in ensuring the prospects of his empire. Therefore, he carried out great works that served to connect Europe and Asia. On the one hand, he established contacts with China, India, on the other hand, France, Spain, England and other countries and sought to strengthen these relations.

As recognized on a scientific basis by our country's scientists and foreign experts, Amir Temur also left a deep mark in history as the most skillful diplomat of his time. As a great statesman, Sahibkiran skillfully combined the peaceful path of diplomacy and military measures in achieving his goals.

The great empire built by Amir Temur since that time has attracted not only neighboring countries and their kings, but also rulers of distant lands. Historical documents indicate that from the 70s of the 14th century, representatives of European countries came to Transoxiana and were seriously interested in the power and potential of the new, independent state here.

Sahibkiran, in turn, especially after the formation of a powerful empire, established active diplomatic relations with almost all major states of that time and their rulers. He sent his ambassadors to various countries, as well as received foreign ambassadors sent to him.

Amir Temur sent ambassadors to the court of Don Enrique III of Castile and Leon (in some sources - King Henry III of Spain), the ruler of France Charles VI (in some sources - Charles VI), and the king of England Henry IV, who, in turn,

received ambassadors from Spain, France, England, China and a number of others - a total of more than 20 foreign states - in his capital Samarkand, which clearly confirms this idea.

According to historical sources, on July 28, 1402, the Ambassadors of King Don Enrique III of Castile and Leon, who were present at the presence of Amir Temur, included Payo de Soto Mayor and Hernan Sanchez de Palazuelos. When the time came for the ambassadors to return, Sahibkiran sent one of the capable beys, Muhammad Keshi, with letters and gifts to Castile as an Ambassador with them, in order to further strengthen relations between the two states. Muhammad Keshi arrived there safely and handed over the letters and gifts to Don Enrique III.

It is known that Amir Temur recruited Nasaf and Kesh scholars, capable individuals knowledgeable in religious and secular sciences, and proficient in foreign languages to his palace. They performed various duties, including the duties of Ambassador. For example, Muhammad Keshi lived in Spain for some time as Sahibqiran's ambassador, while Maulana Abdullah Keshi was sent by Amir Temur as an ambassador to Faraj, the Sultan of Egypt.

Amir Temur usually sent Christian leaders to European countries as ambassadors. Of the Muslim diplomats, only Muhammad Keshi managed to go to Europe. This also indicates his ability, knowledge of several languages, probably one of the European languages.

At that time, the fame of Amir Temur had spread throughout Europe. Therefore, Muhammad Keshi was received with great respect by the King of Castile, Don Enrique III. He attended receptions at the Royal Palace and in the palaces of the great nobles. The King accompanied him to Samarkand with his ambassadors, led by Rui Gonzalez de Clavijo, and respectfully escorted him.

One of the distinctive features of Amir Temur's diplomacy was that in all his addresses, even in letters written in the form of strict demands, he adhered to the etiquette of Eastern diplomacy. It is not difficult to learn from historical letters that have survived from those times that Sahibkiran always responded to the letters of the rulers of some countries, written in a rude manner, sometimes with anger and ignorance, expressing his opinion clearly, with culture and decency. The fact that Amir Temur's letter to the French King Charles VI contains the words "I declare peace and tranquility!" clearly confirms this.

### **Diplomatic correspondence of Amir Temur**

The correspondence that has survived from that time to the present clearly testifies to the skillful diplomatic activity of Amir Temur and the Temurids. Currently, 4 letters are kept in the National Archives of France:

**the first** is the original copy of Amir Temur's letter to the French King Charles IV in Persian;

**the second** is a copy of this letter translated into Latin by Archbishop John himself or one of his contemporaries;

**the third**, a copy of a letter written in Latin by the French King Charles IV to Amir Temur;

**the fourth**, a Latin translation of a letter sent by Mironshah Mirzo to three European kings. The original copy was kept by John and later shown to the King of England.

When it comes to the study of relations between Amir Temur and Europe during the former Soviet era, it is worth noting that I. Umnyakov's article "International relations of Central Asia at the beginning of the 15th century. Amir Temur's relations with Byzantium and France" and other works are quite informative.

Amir Temur also conducted diplomatic correspondence with distant states of Western Europe, in particular, with the representative of the Valois dynasty - King Charles VI of France (1380-1422) and King Henry IV of England (1399-1413). The first brief information about the correspondence between Amir Temur and Charles VI in 1402-1403 was provided by the French historian Flossant, who lived at the beginning of the 19th century, in his research published in 1811.

Amir Temur's letter to Charles VI was written in Persian, in an unusual style, not similar to the style of the rulers of the East. The letter mentions that "the preacher Francis" brought letters to Amir Temur from the French king.

As far as we know, there was no official exchange of ambassadors between Amir Temur and Charles VI, as there was between King Henry III of Castile. At the same time, the text of the letter suggests that Amir Temur had previously received letters from France. However, these letters have not reached us.

There is no doubt that this letter is an original. This is clearly confirmed by the fact that Amir Temur's miraculous seal is stamped on two places on the letter. The fact that the seal on the letter actually belongs to Sahibkiran has been proven by most historians, including Ambassador Clavijo and historian Ibn Arabshah.

An important point is that Clavijo is one of the few, that is, one of four people who saw Amir Temur and wrote memoirs based on direct conversations with him. This fact further increases the authenticity of the diaries of the Spanish Ambassador, as well as the memoirs created by Ibn Arabshah, Ibn Khaldun, and Archbishop John. Therefore, honesty is the path to truth and justice.

The National Library in Paris preserves the second letter of Amir Temur to Charles VI. The Latin translation of this letter has come down to us, first published by Sylvester de Sacy.

At the same time, there is also a Latin translation of the letter sent by Charles VI to Amir Temur. This is a unique document of particular value as the only letter from the French king to Sahibkiran that has survived to this day. While both letters of Amir Temur are dated August 1, 1402, the letter of Charles VI is dated June 15, 1403.

The foreign policy and diplomatic correspondence of His Majesty Amir Temur have been and are being studied in detail by scholars around the world, including specialists from our country. Some time ago, when I met with Jean-Louis Bacquet-Grammon, a well-known French orientalist and orientalist, in Paris, he

presented me with a rare copy of the book "Amir Temur's Campaign in Anatolia (1402)" written by the Romanian historian and Turkologist Maria-Matilda Alexandrescu-Dersca, published in 1942.

Despite the fact that Amir Temur's letters were written almost seven centuries ago, some of their aspects resonate as an extremely important call for our day: it is understood that the prosperity of the world with merchants, the glory of the empire is determined primarily by recognizing the glory of other empires, respecting the dignity of citizens, regardless of official and unofficial differences, and firmly adhering to human rights and freedoms.

In addition, as material evidence of the diplomatic correspondence of the Timurids, one can cite the letters between Amir Timur and his third son, the ruler of Western Iran, Iraq and Azerbaijan, Miranshah Mirza, and the kings of France, England, Castile and other countries. Some of these letters are kept in the French National Archives, the British Museum and the Spanish archives.

The diplomatic correspondence of Amir Timur and the Timurids clearly shows, firstly, that Europe has always reached out to the East, which awakened long before it, and secondly, that the East also sought to establish contacts with these countries, cooperate, establish trade and commerce, and, despite religious differences, honor merchants and protect their rights.

**Akmal SAIDOV,**  
**academician**